O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 14 январь, №9 (3283) Чоршанба

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

*Азиз аскар ва сержант ўғлонларим!*

*Қадрли офицер ва генераллар, муҳтарам фахрийлар!*

*Авваламбор, сизларнинг барчангизни бугунги қутлуғ айём — бутун халқимиз кўтаринки руҳ билан нишонлаётган Ватан ҳимоячилари куни, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 12 йиллик байрами билан чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бахш этади.*

*Ҳар қайси миллат ва халқ учун муқаддас саждагоҳ бўлмиш она Ватанни қадрлаш, унинг эркинлиги ва озодлигини ҳимоялаш, бу йўлда, керак бўлса, жон фидо қилиш — шу юртнинг жасур ўғлонлари, ўзини эр йигит деб биладиган инсонлар учун қадим-қадимдан ор-номус ва мардлик белгиси бўлиб келган.*

*Кўҳна ва шонли тарихимиздан яхши биламизки, халқимиз мана шундай фидойилик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатган фарзандларини ҳамиша юксак қадрлаган, уларнинг жасорати ва садоқатини қўшиқ ва достонларда тараннум этган.*

*Бугунги нотинч ва таҳликали замонда, узоқ ва яқин атрофимизда тобора кучайиб бораётган таҳдид ва хатарларни, бутун инсониятга катта хавф солаётган халқаро терроризм балосини инобатга оладиган бўлсак, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган миллий армиямизни барпо этиш, уни ҳар томонлама замонавий талабларга жавоб берадиган Қуролли Кучларга айлантириш ҳозирги кунда энг долзарб ва устувор давлат вазифаси бўлиб қолмоқда.*

*Биз бугун Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллик байрамини нишонлар эканмиз, янги, профессионал замонавий армияни барпо этиш мақсадида кейинги йилларда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, бу йўлда қўйган қадамларимиздан мамнун бўлишга, албатта, ҳақлимиз.*

*Миллий армиямизнинг келажаги ҳақида гапирганда, авваламбор, юртимизнинг жуғрофий ва геосиёсий шароитини, минтақамиздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хослигини, мамлакатимизга таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқ англаган ҳолда, тезкор ва ихчам, замонавий қурол-аслаҳа ва техника воситалари билан таъминланган, юксак маҳорат ва жанговар руҳга эга бўлган Қуролли Кучларни ўзимизга тасаввур қиламиз.*

*Шу борада бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва охирига етказиш, жумладан, жанговар низомларни, норматив тартиб ва қоидаларни янада такомиллаштириш, қўшин турларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ошириш, кичик офицерларни тайёрлайдиган ҳарбий билим юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига, айниқса, армиямизнинг ўзаги бўлган сержантлар мактабларининг тўлиқ шаклланишига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.*

*Энг асосийси, ҳозирги пайтда армия сафларида хизмат қилиш ҳар қайси йигит учун унинг зиммасига юкланган мажбуриятни бажаришгина эмас, балки барчанинг ҳавасини тортадиган шароитда давлат хизматида бўлиб, эл-юрт олдидаги ғоят мураккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифани адо этишга, ватанпарварлик, мардлик мактабини ўташдек шарафли ишга айланиши даркор.*

*Бу соҳадаги ўзгаришлар, хусусан, армиямизнинг таркиб ва бошқарув жиҳатидан янгича негизда ташкил этилаётгани, муддатли ҳарбий хизматнинг 12 ой этиб белгилангани, янги — сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий қилингани, ҳарбий қисмларнинг моддий базаси, хизматчиларнинг эса таъминоти ва маошлари оширилгани ҳам ана шу йўлда мустаҳкам пойдевор бўлиши шубҳасиз.*

*Жанговар тайёргарликнинг интеллектуал даражасини юксалтириш, уни илғор усул-услублар, моделлаштириш, компьютер ва информацион технологиялар, замонавий фан ютуқлари асосида ташкил этиш йўлида олиб бораётган ҳаракатларимиз, бир томондан, ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб танлаган инсонларнинг ақл-заковати ва маҳоратини оширишни тақозо этмоқда, иккинчидан, бугун ҳарбий хизматни ўташга ҳозирлик кўраётган ёшларимиз олдига янги, юксак талаблар қўймоқда.*

*Шу билан бирга, биз Қуролли Кучларимизнинг халқаро алоқаларини, НАТО ва Евроатлантик ҳамкорлик уюшмаси каби халқаро ташкилотлар, турли давлатлар билан муносабатларини ривожлантириш, жумладан, "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида ўтказилаётган ўқув машғулотларининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш — ҳаётий зарурат эканини ҳам унутмаслигимиз лозим.*

*Олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири — ҳарбийларимизнинг хизмат ва яшаш шароитини янада яхшилаш, эски маънодаги «казарма» деган тушунчадан бутунлай воз кечиб, аскар, сержант ва офицерларимизни ривожланган давлатлар армияларидаги каби барча қулайликларга эга бўлган замонавий тураржойлар билан таъминлаш, уларнинг оила аъзолари ва фарзандлари учун муносиб шароит яратиб бериш ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлмоғи керак.*

*Бир сўз билан айтганда, биз халқимизнинг асрий орзуси бўлмиш мустақиллигимизни, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳар қандай хавф-хатарлардан, бало-қазолардан асраш ва ҳимоялаш мақсадини ўз олдимизга қўяр эканмиз, бунинг учун, аввало, бугунги кун талабларига жавоб берадиган миллий армияни барпо этишимиз, унинг салоҳияти ва маҳоратини оширишимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқда. Бу кенг маъноли, теран ҳақиқатни барчамиз яхши англаб, тушуниб олишимиз даркор.*

*Сиздек мард ва довюрак фарзандларимиз Ватанимизнинг тақдири, халқимизнинг бугуни ва келажагини, оналаримиз ҳаловатини, аёлларимиз, опа-сингилларимиз шаънини, болаларимизнинг қувноқ овозини, мусаффо осмонимизни сақлаш учун Оллоҳ таолонинг ўзи ато этган фазилатларни, белингизда, билагингизда бўлган куч-қувватни тўла сафарбар этасиз, деб ишонаман.*

*Сизларни бугунги қутлуғ шодиёна билан яна бир бор муборакбод этар эканман, ҳар бирингизни бағримга босиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, жанговар фаолиятингизда муваффақиятлар, шахсий ҳаётингизда бахт ва омадлар тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.**




## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ — ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

Юртимизда Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг ўн икки йиллиги кенг нишонланмоқда.

13 январь куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройига Қуролли Кучларимиз вакиллари, меҳнат ҳамда армиямиз фахрийлари, олий ҳарбий ўқув юртларининг курсантлари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари ташриф буюрди. Бу ерда Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн икки йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мудофаа вазири Қ.Ғуломов маъруза қилди.

Йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошқа тармоқлар қаторида ҳарбий соҳани ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор кўрсатаётгани, замон талаби ва халқаро андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимиз таш-

(Давоми 2-бетда).

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.**

## Садоқат

*Кимдир шеър ёзади, ким кирар жангга,*
*Хизмат қилсам дейди ҳар ким Ватанга.*
*Бундан мурод недир, недир муддао?*
*Қуш ҳам ўз ошёнин асрар доимо.*
*Шу Ватан қўйнида топдик то камол.*

*Унга чин садоқат — энг эзгу аъмол.*
*Аслида меҳр ҳам, мурувват ҳам шу,*
*Демак шонинг мангу, шавкатинг мангу.*
*Онадан оқ сутнинг ҳаққи сўралмас,*
*Ватан розиман, деб жавоб қилса бас!*

2004 йил, 13 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

*Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

**Эргашев Ғанишер Эрматович** — Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи Республика лицейининг директор ўринбосари

**Леонтьева Валентина Александровна** — Тошкент Олий умумқўшин командирлари билим юртининг катта ўқитувчиси

**Раҳимов Эркин Муҳамаджонович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист"**

**Мирзаев Тоҳир Қамбарович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси

**Муҳаммадиев Ўрол Лафасович** — Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — тергов бошқармаси бошлиғи

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими"**

**Зайнуллина Раиса Зарифовна** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси тиббиёт бўлими поликлиникаси шифокори

**Қаршибоев Фахриддин Жумақулович** — Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлими бошлиғи

**Муҳамедов Ҳуснуддин Зуҳурович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»**

**Гулзоров Юнус Алиевич** — Тошкент Олий ҳарбий чегарачилар билим юрти ашула ва рақс ансамбли бошлиғи

*Республикамиз Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, давлатимиз ва халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этишда мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатганлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Авезов Неъмат Ҳабибуллаевич** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Омонбоев Алишер Тўраевич** — Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғи

**Бурхонов Аҳмад Жамолович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг эскадрильяси командири

**Жўраев Жаҳонгир Фазлиддинович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара райони бошлиғи

**Носиров Аҳат Ҳамзиевич** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Раҳимов Ўткир Азимович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Собиров Алижон Кўчқорович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Чиботару Евгений Михайлович** — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми командири

**Ғоипов Ойбек Нозимович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати взводи назоратчиси

(Давоми 2-бетда).

## Пойтахт матбуоти

### ибрат мактаби бўла оладими?

Кеча Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитасининг 2004 йилдаги илк йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси муҳокама қилинди.

Бугун шаҳар миқёсида 43 та газета, 31 та журнал, "Тошкент" телеканали, "Тошкент", "Пойтахт" радиоканаллари фаолият юритаяпти. Газеталарнинг 24 таси давлат, 15 таси нодавлат, 4 таси хусусий нашрлардир. Фуқаролар улар орқали ўзларини қизиқтирган масалалар билан танишишлари мумкин. Бир марталик тиражи 12 минг нусхали "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталари ҳафтада беш мартадан чоп этилмоқда. Шаҳар оммавий ахборот воситаларида жиддий ва долзарб мавзулардаги чиқишлар кўзга ташланади. Жумладан, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси муассислигида-



Олий Мажлисда

ги "Огоҳ" газетасининг деярли ҳар сонида суд очерклари, ҳуқуқшунослар мақолалари ёритиб борилади.

Қўмита ишчи гуруҳининг қайд этишича, пойтахт оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятларини қонун асосида йўлга қўйиш борасида янада катта имконият ва қулайликларга эга. Бунинг учун улар айрим камчиликлардан холи бўлмоқлари керак. Масалан, журналистларнинг ихтисослашуви жараёни суст кечаётгани, танқидий ва таҳлилий материаллар кам босилаётгани, шаҳар телеканалида техник воситалар етарли эмаслиги, журналистлар четдан келаётган ғаразли хуружларга қарши жиддий чиқишлар қилолмаётганликлари таъкидланди. "Тўқимачилар овози", "Тракторсоз", "Молиячи" сингари нашрларнинг нусхаси жудаям камайиб кетган.

Депутатлар жамият тараққий топгани сайин матбуот зиммасидаги вазифалар салмоғида, уларни амалга ошириш усулларида ўсиш кузатилаётгани, жумладан, пойтахт оммавий ахборот воситаларида ҳам шундай хусусиятлар мавжудлиги тўғрисида тўхталдилар.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**М. НОРМУРОДОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ҚАРШИ (ЎзА мухбири Аҳад МУҲАММАДИЕВ).***
*Қашқадарё вилояти ҳокимлигида коммунал хизмат, қурилиш ва коммуникация масалаларига алоқадор вазирлик, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов бошқарди.*

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Йиғилишда вилоятнинг 2003 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари, хусусан коммунал хизмат сифатини янада яхшилашга оид масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари аҳолисининг сифатли ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2003 йил 7 октябрдаги қарорининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга доир масала кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой коммунал хўжалиги ва транспорт мажмуи котибияти мудири О.Алихўжаев ва "Ўзкоммунхизмат" агентлигининг бош директори Ў.Холмуҳамедов ахборот берди.

Вилоятда ўтган йили аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муайян натижаларга эришилганлиги қайд этилди. 1 минг 455 кўп қаватли уй 71 уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқаруви тасарруфига ўтказилди.

Вилоят аҳолисининг 81,4 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминлангани ва соҳада муайян ишлар амалга оширилаётганига қарамай, жойларда тоза ичимлик суви масаласи муаммолигича қолмоқда. Хонадон ва корхоналарга газ ва сув ўлчагич асбоблар ўрнатиш суръати жуда паст.

Йиғилишда йўл қўйилаётган бундай камчиликларга барҳам беришга қаратилган вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

*«Ўзмиллийбанк»:*

## «Йилнинг энг яхши андеррайтинг компанияси»

2003 йил якунларига кўра, фонд бозорининг энг яхши иштирокчиларини мукофотлаш маросими 2003 йил 25 декабрда бўлиб ўтди. Ушбу маросим Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази (МНМ) ҳамда Инвестиция ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан уюштирилди. Унда 11 номинация бўйича, хусусан, МНМ энг яхши бошқармаси, энг яхши инвестиция воситачиси, энг яхши андеррайтинг компанияси, энг яхши бошқарувчи компания, энг яхши депозитарий, энг яхши инвестицион маслаҳатчи ва бошқалар бўйича мукофотлар тақдим этилди.

«Йилнинг энг яхши андеррайтинг компанияси» номинациясидаги мукофот эса корпоратив облигациялар бозоридаги фаол иштироки ва миллий фонд бозорини ривожлантиришдаги хизматлари учун «Ўзмиллийбанк»ка берилди.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигидан

2004 йил 13 январь куни соат 19.27 да Тошкент шаҳри аэропорти ҳудудида Термиз-Тошкент йўналиши бўйича 11-54 рейсни бажараётган ЯК-40 самолёти қўниш чоғида ҳалокатга учради.

Ҳалокат оқибатида 32 йўловчи ва 5 нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлди. Воқеа содир бўлган жойда авария-қутқар хизматлари иш олиб бормоқда. Ҳалок бўлганларнинг тўлиқ рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ташкил этилган ҳукумат комиссияси ҳалокат сабабларини аниқлашга киришди.

Мамлакатимиз раҳбарияти ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ИСТИҚЛОЛНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

### «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Акчурин Ринат Анварович** — "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши авиация спорти бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Имомқориев Маҳмуджон Аъзамович** — Давлат фельдъегерлик хизмати бошлиғининг ўринбосари

**Коваленко Павлина Васильевна** — Давлат божхона қўмитаси молия-иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи

**Ниёзов Шухрат Ниёзович** — Ички ишлар вазирлиги Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғи

**Усмонов Ҳошим Ҳамидович** — Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали бошлиғи

**Юнусов Миржалил Юсупович** — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтининг кафедра бошлиғи

**Қаландаров Эркинбой Отамуродович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командири

### «Дўстлик» ордени билан

**Бекиров Ромен Дляверович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

**Гайнуддинов Ўрол Зуфарович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

**Имомов Абдуҳамид Аҳмадалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

**Мирзамуҳамедов Ботир Исроилович** — Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

**Муротов Баҳодир Муротович** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патрул хизматининг катта инспектори

**Мыкытюк Станислав Николаевич** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Токарева Валентина Андреевна** — Тошкент Олий ҳарбий чегарачилар билим юртининг ижтимоий фанлар кафедраси профессори

**Харламов Александр Николаевич** — Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Черныш Павел Павлович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шабанов Юрий Николаевич** — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фавқулодда вазиятларни башорат қилиш ва мониторинг марказининг бўлим бошлиғи

### «Жасорат» медали билан

**Абдулакимов Рустам Зулфиқорович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг қўриқлаш чегара катери командири

**Абдураззоқов Акмал Абдураҳмонович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси командири

**Абдураҳмонов Валижон Мамажонович** — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми командири

**Алиев Музаффар Рустамович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

**Аҳмонов Толип Эркинович** — Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Аюпов Мирҳасан Ҳодиевич** — Самарқанд тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмасининг катта тезкор вакили

**Бобожонов Дилшод Раҳматуллаевич** — Ички ишлар вазирлиги криминал ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Бобониёзов Илҳом Ражабович** — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Баратов Комилжон Сайдуллаевич** — Сурхондарё вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлинма командири

**Бекмуҳамедов Талъат Аминович** — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми хизмати бошлиғи

**Бобоёров Низомиддин Эргашевич** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси мотоўқчиси

**Ғаниев Фарҳод Алижонович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг эскадрильяси командири ўринбосари

**Давлатов Сайдулла Ҳайруллаевич** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Исломов Шерали Ўташович** — Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси "Ғузор-Деҳқонобод" божхона пости катта инспектори

**Қидиров Омонгелди Шомуротович** — Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасининг бўлими катта тезкор вакили

**Кубаев Тоҳир Ўткирович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати пости назоратчиси

**Латипов Ҳабиб Ҳалимович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нажимов Нуржон Кутлимуротович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

**Нурмаматов Жаҳонгир Раҳмонкул ўғли** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати взводи назоратчиси

**Нуруллаев Дилшод Абдуллаевич** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Оллоберганов Баҳодир Раҳимович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг эскадрильяси командири

**Отажонов Кўпалбой Юсупович** (марҳум) — Хоразм вилояти Янгиариқ тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

**Очилов Фарҳод Пўлатович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Оққўзиев Ёрбобо Ёдгорович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Попов Юрий Юрьевич** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг взводи командири

**Равшанов Ҳасан Эшмуротович** — Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи

**Расулов Бунёджон Тожиматович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

**Саматов Абдуқаҳҳор Орзиқулович** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси пост-патрул хизмати бригадасининг милиционер-ҳайдовчиси

**Сатторов Абдимажит** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тошпўлатов Аҳмад Мухторович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси командири

**Турғунов Алимардон Абдуманобович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

**Тўхлиев Ҳабибулла Давирович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ўролбеков Ержон Жўрабоевич** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара районы взводи командири

**Ўролов Маҳмуд Арабобоевич** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси командири

**Утемуратов Ботир Турганбоевич** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости катта ҳайдовчиси

**Худойберганов Карим Назирович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг йўл-патрул хизмати инспектори

**Хуррамов Шавкат Ашуралиевич** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати взводи назоратчиси

**Йўлдошев Расул Насимович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси катта терговчиси

**Юсупов Қодирберган** — Хоразм вилояти Урганч шаҳар Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Ярошев Шерзод Турсунбоевич** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара районы взводи мутахассиси

**Эримматов Азамат Холметович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара районы бошлиғи ўринбосари

**Эсонов Шералижон Шарифжонович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми ҳайдовчиси

**Қосимов Ойбек Миркомил ўғли** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдуқаюмов Абдулхай** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абилов Ёрмамат** — Давлат фельдъегерлик хизматининг Сирдарё вилояти бўлинмаси бошлиғи

**Азизов Шакарали Акбарович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг цехи бошлиғи

**Азимов Шуҳрат Бахтиёрович** — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тез ҳаракат қилиш Республика кўп тармоқли маркази бирикма командири

**Азимов Қаҳрамон Ўроқович** — Мудофаа вазирлигининг сержантлар тайёрлаш мактаби катта инструктори

**Асраев Ғайратжон Комилович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг взводи мутахассиси

**Отабоев Акрамжон Кўшоқжонович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Аҳмадалиев Баҳодир Усмоналиевич** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси инструктори

**Бегимқулов Шавкат Раҳмонович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Бектошев Анвар Аҳмедович** — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

**Болтабоев Шаҳобиддин Камолиддинович** — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг взвод командири

**Бураков Анатолий Петрович** — Тошкент шаҳридаги Миллий авиация спорт клуби учиш хизматининг парашютчилар гуруҳи бошлиғи

**Долимов Шокир Зокирович** — Мудофаа вазирлиги сержантлар тайёрлаш мактаби ўқитувчиси

**Ёрматов Абдурашид Абдураматович** — Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

**Иброҳимов Дониёр Муҳаммадалиевич** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси командири

**Қодиров Жаҳонгир Жавлонович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳи командири

**Кубаев Фозилжон Элибоевич** — Мудофаа вазирлиги дивизиони командири

**Қурбонов Бобир Пўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси

**Қўчқоров Рустам Қурбонбоевич** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг секцияси командири

**Маллаев Абдисалом Хуррамович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг бўлинмаси техниги

**Машарипов Одамбой Сапарметович** — Тошкент "Шимолий" темир йўл бекати божхона назоратини ўтказиш комплекси бошлиғи

**Мирзараҳимов Баҳодир Йўлдошевич** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нарзиев Қувватилла Иброҳимович** — Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**Низомов Ҳабибулохон Сайитхонович** — Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи Республика лицейининг гуруҳ бошлиғи

**Ниятов Ваҳоб Арслонович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг взводи старшинаси

**Норбеков Бозор Аҳатович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг отиш майдони бошлиғи

**Нормуродов Валишер Бахтиёрович** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара районы взводи гуруҳи командири

**Очилов Ўткир Шералиевич** — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара районы штаб бошлиғининг ўринбосари

**Раҳмонов Шавкат Жуманазарович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг взводи ўқчиси

**Ризаев Алишер Қадамбоевич** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг бўлим бошлиғи

**Сагатов Дилшод Хаюмович** — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

**Самиев Фарҳод Фармонович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг взводи командири

**Сулаймонов Умид Муҳамадович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

**Темиров Қавмиддин Комилович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командирининг биринчи ўринбосари

**Тўрақулов Олимжон Аброрович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳайдаров Козимбек Абдуҳакимович** — Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти батареяси командири

**Ҳайитбоев Асадулла Ҳасанович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми бўлинмасининг командири

**Хусанов Собир Орипович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси ташкилий инспекторлик бошқармасининг инспекция бошлиғи

**Юсупов Азамат Неъматович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмасининг бошлиғи

**Яҳёев Бокижон Бақоевич** — Навоий ҳарбий судининг раиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 10 январь.



*— 2000 йилнинг августидаги воқеалар асло ёдимдан чиқмайди. Сариосиё ва Узун туманларида Ватан ҳимоясига отланган жасур йигитларимизнинг ҳалок бўлиши мени ҳали-ҳануз чуқур изтиробга солади. Аслида улар беҳудага қон тўкишганмиди? Уларнинг ширин жонлари ўзларига, ота-оналари, оиласига керак эмасмиди? Бошқалар қатори ана шу қаҳрамонларимизнинг ҳам фаровон ҳаётдан завқланишига, гўзалликлардан баҳраманд бўлишига ҳақлари йўқ эдими?*

## Бурчига содиқлар

Мени бу саволлар ҳар куни, ҳар он қийнайверади. Бу саволларга жавоб ахтараётган кунларим ҳарбий хизматга чақиришди ва Самарқанд шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида тенгдошларим билан бир қаторда армия ҳаётига кўника бошладим.

Хизмат жараёнида Сурхондарё воқеалари сира ёдимдан чиқмади. Қолаверса, ўзим ҳам сурхондарёликман. Туғилиб ўсган туманим Ангор - Сариосиё ва Узун туманларидан унча узоқ эмас. Ватан ҳимояси йўлида жон таслим қилган жасур йигитлар ишини давом эттириш албатта зарурлигини англадим. Яна қарангки, шу орада Президентимиз ташаббуси билан мен хизмат қилаётган ҳарбий қисм базасида Сержантлар тайёрлаш мактаби очилди. Хизматдан сўнг ана шу мактабнинг дастлабки курсантларидан бирига айландим.

Бу фикрлар Самарқанддаги Сержантлар тайёрлаш мактаби комендантлик взводи қўриқлаш гуруҳи кичик сержанти Пўлат Тўлагановга тегишли. Пўлат Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилаётганидан қалби ғурурга тўла. Шунингдек, эндиликда ўзидек алпқомат йигитларга устозлик қилаётганидан хурсандчилигини ҳам яширолмайди.

Мактаб курсанти Антон Югай эса сафдошлари Тўхтасин Қўлдошев, Бобомурод Эргашев, Акбар Раҳимовлардан фахрланиб гапирди.

— Бу йигитлар билан ҳақиқий дўстмиз, — дейди Антон. — Ҳаммаси Ватан учун кўксини қалқон қиладиган йигитлар. Менинг ўзим аслида Жиззах шаҳриданман. Ҳарбий хизматдан кейинги ҳаётим Сержантлар тайёрлаш мактаби билан боғланиб кетди. Таҳсилдан сўнг Ватаннинг қайси сарҳадига юборишса ҳам хизматга шайман. Чунки юртимнинг ҳар бир гўшаси мен учун муқаддас.

— Мактабимиз курсантларининг юрагида ўти бор, — дейди тарбиявий ишлар бўлими катта зобити, подполковник Абдусамад Бозоров. — Уларга яратилган шарт-шароитлар эса кўнгилдагидан ҳам зиёд. Очиғи, 2003 йилда жуда катта ҳажмдаги қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вилоят ҳокимлигининг катта эътибори туфайли бу борада маблағдан қийналмадик.

— Маълумки, мактаб моддий-техника базасининг давр талаблари даражасида бўлиши, жанговар ҳарбийлар етказиб берилишида муҳим аҳамиятга эга, — давом этади катта зобит. — Ўтган йилнинг ёзида 105 ўринли бинода бутунлай янгича лойиҳа асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бордик. Натижада 15-20 кишилик умумий ётоқхоналар ўрнида алоҳида ҳаммом ва дам олиш хоналарига эга 3-4 кишига мўлжалланган шинам хоналар бунёд этилди. Уларни жиҳозлаш ҳам замонавий талаблар даражасида бўлди. Ҳар бир хонага телевизор, совитгичлар қўйилди. Қаватлардаги умумий дам олиш хоналари ҳам бутунлай қайта жиҳозланди.

Курсантлар учун вилоят ҳокимлиги томонидан 22 миллион сўмлик замонавий русумдаги компьютерлардан иборат хона ташкил этилиб берилганлиги янада қувончлидир. Бу даражадаги ғамхўрлик ва юксак эътиборга жавобан йигитлар қасамёдларига содиқ қолишиб, Ватанга муносиб хизмат қилишади, албатта.

Йигитлар зиммаларидаги шарафли вазифа — Ватанни қўриқлашдан, унинг сарҳадлари осойишталигини таъминлашдан иборат эканлигини дилдан англашади. Шу боис ҳам дарс жараёнларида билимдонликларини, спорт мусобақаларида фаолликларини, дала машғулотларида эпчиллигу чаққонликларини намойиш этишга ҳаракат қилишади.

— Дала машғулотлари асосан тоғ ҳудудларида ўтказилади, — дейди мактаб раҳбарининг шахсий таркиб бўйича ўринбосари, подполковник Иномжон Тўйчиев. — Йигитларимиз тоғу тош орасида қандай ҳаракат қилишни ўрганадилар. Очиғи, уларнинг эпчиллиги, абжирликларига қойил қоламан. Шундай йигитларимиз бор экан, демак ҳаётимиз тинч, сарҳадларимиз мустаҳкам бўлади.

Хоналарнинг бирида ***"Ватанни, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш, ватанпарвар бўлиш, касбий маҳоратни изчил такомиллаштириш, қонунлар ҳамда умумҳарбий низомлар талабларига қатъий риоя этиш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи ва мажбурияти"*** деган шиор йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилибди.

Ҳа, бурч ва мажбурият англанган, унга амал қилинган жойда, албатта, мақсадга эришилади. Осойишталик, фаровонлик таъминланади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**СУРАТДА: Самарқанддаги сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи (ўртада) Самад САЛИХОВ ёш офицерлар билан.**
**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ — ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

кил топгани, миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати экани таъкидланди.

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлашга, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш — буюк келажагимизни барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири экани қайд этилди.

Йигитларимиз учун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ўз Конституциявий бурчини адо этишдангина иборат бўлиб қолмасдан, нуфузли ва шарафли ишга айланмоқда.

Қуролли Кучларимизнинг шахсий таркиби мустақил Ўзбекистонимизнинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашдек шарафли вазифани адо этиш йўлида бутун куч-ғайратини, маҳоратини аямайди, ҳамиша сергак туради, деб таъкидланди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Тўйчиева Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 январдаги Фармонига мувофиқ мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизлигимизни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Йиғилишда ана шу мукофотлар тантанали вазиятда топширилди.

Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг "Энг яхши сержант", "Энг яхши жанговар гуруҳ командири", "Энг яхши взвод командири", "Энг яхши батальон командири" номинациялари бўйича танлов байрам арафасида якунланди. Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлар, Миллий хавфсизлик хизматининг қисм ва қўшилмаларида, ҳарбий округларда босқичма-босқич амалга оширилган танловда 68 нафар ғолиб аниқланди. Танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғаларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бошлиғи, генерал-майор И.Эргашев топширди.



Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан катта лейтенант О.Қосимов ва сержант У.Ширинов ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун мамлакатимиз Президентига миннатдорчилик билдирди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**(ЎзА).**

**Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.**

## Уйғоқ сарҳад

Бирон байрам яқинлашаверса, бас, оддий аскар Илёс Исломовга иш кўпаяди: — "Чегарачи" деворий газетасининг навбатдаги сонини безаб-тузиш керак. "Тиканак" деб номланадиган ойлик ҳажвий-сатирик рангли газета учун расмлар чизиш керак.

Расмлар учун мавзу топиш осон иш эмас. Лекин у мавзуни осмондан олмайди. Чегарачи йигитлар қувноқ-хушчақчақ. Бир-бирларига самимий. Бир-бирларига талабчан.

— Бу талабчанлик тушунмовчиликларга, тортишувларга олиб бормайди, — дейди сержант Фарҳод Йўлдошев. — Ўртамизда ҳурмат, ҳазил-мутойиба устивор. Илёсжоннинг илҳомини жунбушга келтирадиган куч ҳам шунда.

— Биз учун яна энг муҳим нарса — радиоалоқада ишлашни ўрганиш, — дейди сержант Музаффар Хўжақулов. — Шундоқ гўшакни кўтариб савол-жавоб қилиш ўз йўлига. Алоқа қурилмасини ишлатиш, бузилса, уни тузата билиш керак. Ахир ишламай қолган рацияни тузатмоқ учун қисм базасидан айрим постларнинг ораси, биласизми, бир кунлик йўл-а.

Биз Самарқанд шаҳридан хизматга келган оддий аскар Дилшод Аҳмедов билан суҳбатлашамиз. Байрам арафаси эмасми, у пойабзалини ялтиллатиб мойлаб, кийимларига қайтадан дазмол босиб кийиб олган. Ҳозиргина телефонда отаси билан гаплашибди. Энди рация орқали постларга чиқаётган экан.

— Шу қисмда мен Ватан ҳимоячилари байрамини иккинчи марта нишонлашим, — дейди Дилшод. — Мен учун ҳарбий хизмат катта мактаб бўлди. Алоқачилик, ҳайдовчилик касбларини ўзлаштириб олдим. Тил ўргандим. Ватан деган тушунчанинг мағзини чаққандай бўлдим. Дўстлар орттирдим.

Ҳовлига бир гуруҳ аскарлар кириб келишади. Улар машқ майдонидан қайтишган. Кимдир қуролдош дўстига ҳазил гап айтади. Гур этиб кулгу кўтарилади. Бу кулгу ҳаммадан кўра рассом аскар Илёсжонга кўпроқ ёқиб тушади. Чунки хаёлида янги мавзу туғилаяпти. Ахир, газетанинг янги сонини тағин ҳам қизиқарлироқ чиқармоқ лозим.

**Олимжон УСАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Маҳалла — меҳр - оқибат маскани*



*Биз илгари педагог-тарбиячиларни фақат тарбиявий муассасалардагина учратардик. Бугунга келиб уларнинг фаолияти анча кенгайди. Айни вақтда педагог-тарбиячилар маҳалла қўмиталари ва мавзеларда ҳам ишлашмоқда. Аниқроқ айтганда, улар халқнинг ичига тобора чуқурроқ кириб бораяптилар. Мирзо Улуғбек тумани 43-Ҳумоюн мавзеси педагог-тарбиячиси Наргиза Юсупова (суратда 8-уй соҳибаси Манзура ая ва 16 ёшли қизи Шаҳноза Камоловалар билан)нинг фидойи меҳнати ва ҳароратли муомаласидан бугун бутун бир мавзе одамларнинг қалби меҳр нури билан исимоқда. Ўксик қалблар илиқ муҳаббатдан нурафшон бўлмоқда.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Инсоний қадр - қиммат

## халқимизнинг миллий менталитетида намоён

Қиш кунларининг бири эди. Ҳаммаёқ қор билан қопланган. Бобомга тумов теггдими, билмадим, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Кимдир аҳвол сўрагани келиб кетдию бобомни ваҳима босди. Мени чақиртирди, киришим билан момом қўлимга бир тугун тутқазди. Бобом:

— Муҳаммадихон бувангга бориб, қандай ўтирган экан, аҳволини билиб кел, — деди.

Тугунни олиб буванинг уйи томон жўнадим. Қорда бир амаллаб етиб келдим. Кўрдимки, каттакон ҳовли сув сепгандек жимжит. Эшикка яқин келиб чақирдим. Ичкаридан «Келавер» деган овоз эшитилди. Хона четига ўрнатилган сандалда бошига қават-қават ёстиқ қўйганича оппоқ соқолли бува ҳолсизгина ётар эди. Ёнида ўтирган кампири саломимга алик олди. У эшикдан тушаётган ёруғни қўли билан тўсиб, нурсиз кўзлари ила бир зум тикилди. Онамнинг исмини айтиб, шунинг ўғлимисан дея сўради. Мен «Ҳа» дегач, қўлимдаги тугунни олиб алқай кетди. Кейин чолига мени таништирди. Сўнг қария бобом билан момомнинг ҳол-аҳволини сўради. Бобом узанги йўлдоши эканлигини гапириб, болалигида бирга ўйнаб катта бўлганлигини хотирлади. Уруш йилларидаги қаҳатчиликда қишлоқ бева-бечораларига қандай сахийлик қилганликларини эслади. Уларнинг бири олиб, бири гапиришидан, чеҳралари ёришганидан гўё мен бу уйга шодликни бошлаб келгандай бўлдим. Уч-тўрт кундан буён сандалдан нари қимирламай ётган чолнинг дарди бир зум чекингандай, назаримда. Ҳатто, соғайиб кетгандек, кўтаринки кайфиятда гурунг берарди. Улар суҳбатини тинглайвериб, кўчада яхмалак учаман деган фикр ҳам хаёлимдан кўтарилганини сезмаганман.

Бугун менга бир нарса аёнки, қаровчиси йўқ бўлган бу чол-кампир доим қишлоғимиз оқсоқоллари эътиборида турган. Ўтин керак бўладими ёки бошқа юмушими, ўз ишини йиғиштириб аввал шу дастёрсиз қариянинг оғирини енгил қилишга шошилган. Салкам етмиш йил бир ёстиққа бош қўйиб ўтган бу қариялар учун энг ғанимат нарса одамларнинг, аниқроғи, қадрдонларининг дийдори бўлган. Бобомнинг бетоб бўлишига қарамай, кўнгил сўраш учун неварасини юбориши замирида ҳам албатта асрлар оша сайқалланиб келаётган халқимизга хос меҳр-оқибат тушунчаси ётади.

Шу ўринда Швецияда бўлган чоғимда олган таассуротларим хаёлимга келди. Мазкур мамлакатдаги сафаримиз давомида қариялар уйида ҳам бўлган эдик. Биласиз, ёши бир жойга борганда қолган умрини қариялар уйида ўтказиш ғарб халқларида одатий ҳолга айланиб қолган. У ерда кексаларга яратилган шароит, кўрсатилаётган хизмат аъло даражада ташкил этилган. Ҳатто юриш туришга қийналиб қолганларга хизматчилар вақт-бемаҳал сидқидилдан кўмаклашади. Суҳбатда бўлганимизда қарияларнинг ўзи ҳам буни мамнунлик билан эътироф этдилар. Лекин у ерда мени бошқа бир жиҳат таажжубга солди. Ахир, ўзингиз айтинг, бу мурувват уйи шаҳарнинг хилват жойида, қабристоннинг ёнгинасида бунёд этилганини кўрган қайси ўзбек ажабланмайди?!

Шуларни ўйларканман, оқибатли бўлиш халқимизда қадимдан ҳар бир мўмин учун фарз деб билинганлигига иймон келтираман. Айни мустақиллик йилларида Ўзлигимизга қайтдик. Қариси бор уйнинг париси борлигига амал қилиб келган халқимиз бутун бир йилни Қарияларни қадрлаш йили деб атади. Меҳр-оқибат ўчоғи — маҳалланинг ҳуқуқий аҳамият касб этгани эса халқимизга хос турмуш тарзимизга ўзгача руҳ бағишлади. Аниқроқ қилиб айтганда, бу ўзбекона фазилатларнинг бардавомлигини таъминламоқда. Яна бир жиҳат, ҳар қандай кишининг туриш-турмуши айнан шу гўшада намоён бўлади. Бу қўни қўшни билан доим илиқ муносабатда бўлиш, аҳил-иноқ ҳаёт кечириш дегани. Юртбошимиз ташаббуси билан 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб аталиши эса осойишта ҳаётимизнинг файзли кечиши учун ҳар биримизни меҳр-оқибатли бўлишга ундайди, албатта.

— Меҳр ҳақида гап кетганда, аввало шуни айтиш кераккки, ота-она ўғил ё қизининг юборган пулига эмас, балки унинг дийдорига, ширин сўзига, меҳрига интиқ бўлади, — дейди «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази директори, профессор Саминжон Раҳимов. — Меҳрибонлик уйларидаги болалар ҳам ана шу тансиқ неъмат — меҳрга муштоқ. Шоир Ғафур Ғулом: «Бошимни силашга бир меҳрибон қўл, бир оғиз ширин сўз нондек арзанда» деганида одамлар орасидаги шундай ноёб муносабатни назарда тутган.

Ҳар бир инсоннинг касбкори, моддий аҳволидан қатъи назар меҳрибонлик кўрсатиш учун худо берган имкониятлари бўлади. Ундан қандай фойдалана олишини эса кишининг ақл салоҳияти белгилайди. Ўз ўзини бошқариш органи бўлган маҳаллаларга катта ҳуқуқ берилгани бундай эзгу ишларга бош-қош бўлишига йўл очади. Пировардида маҳаллаларимизда, аниқроғи, халқимиз орасида инсоний қадр-қиммат янада ошиб бораверади.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«Ўзмиллийбанк»:*

# «Йилнинг энг яхши андеррайтинг компанияси»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатнинг энг йирик тижорат банкига мазкур мукофотнинг тақдим этилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 декабрдаги «2004 йил макроиқтисодий кўрсаткичларининг асосий параметрлари ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида«ги 547-сонли қарорини бажариш юзасидан тижорат банклари томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар янада фаоллашганлигини кўрсатади.

Жиддий тадқиқотлардан, хорижий тажрибаларни ўрганишдан ва тайёргарлик ишларидан сўнг Ўзбекистоннинг корпоратив облигациялар бозорида 2003 йилда ўз фаолиятини жадал бошлаб юборган «Ўзмиллийбанк» уч корхонанинг умумий суммаси 1, 75 млрд. сўмлик облигациялари эмиссиясининг эксклюзив ташкилотчиси ва андеррайтери вазифасини бажарди.

Дастлабки эмиссия 28 февралда рўйхатга олиниб, «ЭЛ» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг жами 200 млн. сўмлик облигациялари чиқарилди. Корпоратив облигациялар мамлакат бозоридаги облигациялар муомаласи тарихида биринчи маротаба ўзгарувчан фоиз ставкаси (МБнинг қайта молиялаш ставкаси минус 1 фоиз) қўлланилди. Чиқарилган облигацияларнинг барчаси инвестор томонидан бозор нархида сотилди.

«Ўзмиллийбанк», шунингдек, июль ойида «ДЕМИР» ОТАЖ ХК учун йилига 30 фоизли ставка бўйича 1,35 млрд. сўмлик икки йиллик корпоратив облигациялар дебют эмиссиясини ташкил этиш ва жойлаштириш ишларини муваффақиятли ниҳоясига етказди. «ДЕМИР» компанияси гуруҳининг савдода шуҳрат қозонгани ва бенуқсон кредит тарихига эга бўлганлиги, айнан Миллий банк андеррайтер вазифасини бажарганлиги ва маркетинг ишининг фаол олиб борилганлиги натижасида чиқарилган облигацияларнинг барчаси бирламчи бозорда уч кун мобайнида (14-16 июль) жойлаштириб бўлинди. «ДЕМИР» ОТАЖ ХК облигацияларига талаб уларни жойлаштиришдан, аввало, 4 млрд. сўмдан ортиб кетди. Ушбу лойиҳа билан Миллий банк иккита рекордни қўлга киритди — мазкур бозорни ривожлантириш тарихида биринчи маротаба облигацияларга талаб эмиссия ҳажмидан ошиб кетди ва уларни жойлаштириш жуда қисқа муддатларда амалга оширилди.

Якунланган йилнинг декабрь ойида эса «QOXIZ» ОТАЖ ХК учун 2 млн. сўмлик икки йилга мўлжалланган корпоратив облигацияларнинг биринчи транши чиқарилди. Облигациялар даромадлилиги ҳар чоракда тўлаш шарти билан 25 фоизни ташкил этди. Компания ўзининг савдо фаолиятини Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги «Ҳамза» метро бекати яқинида жойлашган «Метро-маркет» супермаркети савдо маркаси остида амалга оширмоқда. Мазкур облигацияларга дастлабки талаб 600 млн. сўмдан ортмоқда.

«Ўзмиллийбанк» корпоратив облигациялар бозорида операцияларни бажариб, элитентлар учун ҳам, инвесторлар учун ҳам барча турдаги хизматларни амалга оширмоқда. Эмитент молиявий-хўжалик фаолиятини батафсил таҳлил қилиш, ахборот меморандуми ва эмиссия проспектини тайёрлаш, эмиссияни рўйхатга олиш, облигацияларни сифатли инвесторлар ўртасида жойлаштириш ва иккиламчи бозорни қўллаб-қувватлаш, брокерлик хизматлари ва олди-сотди битимларини тўлиқ расмийлаштириш, шу билан бирга, облигациялар бозорида инвестиция имкониятларини таҳлил қилиш ана шундай хизматлар жумласидандир.

**Мулоқот учун маълумот:**

**«Ўзмиллийбанк»нинг Қимматли қоғозлар бошқармаси корпоратив молиялар бўлими.**
**Бош офис: 700084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй.**
**Телефонлар: 137-59-42, 134-11-22, 137-59-59.**
**Факс: 137-59-43.**
**Эл-почта: inbanking@central.nbu.com**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 13 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 763,39 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1812,02 |
| 1 Дания кронаси | 169,23 |
| 1 БАА дирхами | 267,15 |
| 1 АҚШ доллари | 981,22 |
| 1 Миср фунти | 159,03 |
| 1 Исландия кронаси | 14,17 |
| 1 Канада доллари | 771,95 |
| 1 Хитой юани | 118,55 |
| 1 Малайзия ринггити | 258,25 |
| 1 Польша злотийси | 268,79 |
| 1 СДР | 1469,60 |
| 1000 Туркия лираси | 0,73 |
| 1 Швейцария франки | 803,95 |
| 1 ЕВРО | 1259,89 |
| 10 Жанубий Корея вони | 8,33 |
| 10 Япония иенаси | 92,23 |
| 1 Россия рубли | 33,84 |
| 1 Украина гривнаси | 184,05 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*


ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ, МУЛК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги 477-сонли қарори билан тасдиқланган «Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги низом талабларига асосан фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи лицензиатларга қуйидаги лицензия талаблари ва шартлари қўйилган:**



- *фаолиятида фармацевтика тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш;*
- *фаолиятни лицензияда кўрсатилган фаолият доирасида, шунингдек, лицензия битимига мувофиқ манзил (манзиллар) бўйича амалга ошириш;*
- *лицензия талабгори лицензияланаётган фаолиятни амалга оширишда унга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ биноларга эга бўлиши;*
- *лицензияланадиган аниқ фаолият турини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан тегишли моддий-техник базадан, асбоб-ускуналардан ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш;*
- *дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сотиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;*
- *экология ва санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этиш.*

Дори-дармон воситаларини тайёрлашда лицензиат, шунингдек, дори-дармон воситаларини таҳлил қилиш учун ваколатли назорат-таҳлил лабораторияси билан шартнома тузишга мажбурдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги 477-сонли «Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг 2-бандига мувофиқ лицензиатлар ўз фаолиятини фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомда назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлаштиришлари ва лицензияловчи орган — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан лицензия битимлари имзолашлари талаб этилади.

8473R/15



O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !



**Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш корхоналари ва пудратчи ташкилотлар диққатига !**

«ДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ» ҚЎМИТАСИГА ҚАРАШЛИ РЕСПУБЛИКА ПУДРАТ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШҚАРМАСИНИНГ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

танлов савдосини эълон қилади.



**ИНШООТЛАР НОМИ:**

**ЯНГИДАН ҚУРИЛАДИГАН ИНШООТЛАР:**

1. **Касби тумани, Майманоқ қишлоғидаги 900/100 ўринли касб-ҳунар коллежи.**
   *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 2004 йил август ойи.*
   *Бошланғич нархи — 2550002 минг сўм.*
2. **Яккабоғ тумани, Маданият қишлоғидаги 600/100 ўринли касб-ҳунар коллежи.**
   *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 2004 йил август ойи.*
   *Бошланғич нархи — 2300000 минг сўм.*
3. **Гузор тумани, Ёргунчи қишлоғидаги 600/100 ўринли касб-ҳунар коллежи.**
   *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 2004 йил август ойи.*
   *Бошланғич нархи — 2264772 минг сўм.*

**ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНАДИГАН ИНШООТЛАР:**

1. **Нишон туманидаги бизнес мактабини 450/100 ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.**
   *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 2004 йил август ойи.*
   *Бошланғич нархи — 868200 минг сўм.*
2. **Қамаши тумани, Қизилтепа қишлоғидаги № 11 сонли касб-ҳунар мактабини 600/100 ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.**
   *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 2004 йил август ойи.*
   *Бошланғич нархи — 972000 минг сўм.*

***Буюртмачи — Вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.***
***Манзили: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.***
***Телефон: 227-16-56, 227-18-87.***

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат марказлаштирилган манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

*Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига,шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга,шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади.*

**Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича республика бошқармасининг Қашқадарё вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 221-07-79.**

*Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.*

**Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чопэтилгандан сўнг 30 кундан кейин буюртмачи — вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси биносида ўтказилади.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.**




# Мардлар мактаби

*Маълумки, мамлакатимиз Президенти – Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан ҳарбий хизмат соҳасида жиддий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида армиямиз сафларига жисмоний жиҳатдан етук, маънавий томондан баркамол ёшларни саралаб олишни талаб этиб, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг зиммасига улкан масъулият юклайди. Шу сабабли айни чоғда мазкур ташкилот мутахассислари томонидан жойларда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш борасида ҳокимликлар, жамоат ва бошқа нодавлат-нотижорат, спорт-техника клублари билан ҳамкорликда кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда.*

Шулардан келиб чиқиб, Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан масъулиятни ошириш тўғрисида"ги Қарорни ижро этиш мақсадида Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" кенгаши томонидан 2003 йил 15 декабрдан 2004 йил 14 январгача бўлган йиллик махсус дастури ишлаб чиқилганди. Дастурга кўра, "Ватан ҳимоячилари куни"га бағишлаб жойларда оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлигини ўтказиш, ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, чақирилувчиларни ҳарбий қисмдаги аскар ва курсантлар ҳаёти билан яқиндан таништириб бориш кўзда тутилган эди. Ўтган вақт мобайнида Ватанимиз сарҳадларини террорчилардан ҳимоя қилишда иштирок этган аскар ва зобитлар иштирокида "Жасорат дарслари" ўтказиш, "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинлари, "Ватанпарвар" — мардлар мактаби" ўқув машғулотларини янада такомиллаштириш ишлари кенг йўлга қўйилди.

Бундан ташқари "Ватанпарвар" ўқув муассасалари, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларида Президент И. Каримовнинг "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" номли рисоласи асосида маъруза ва суҳбатлар ўтказилди. Қуролли кучлар ҳаётини акс эттирувчи кўргазмали бурчаклар ташкил этилди. Мамлакатимизнинг Давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига нисбатан ҳурмат ҳиссини ошириш мақсадида ўрта-махсус ўқув юртлари, лицей ва коллежларда давра суҳбатлари олиб борилди.

Айтиш лозимки, Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" кенгаши жамоаси ана шу дастурни амалга ошириш жараёнида нафақат ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, балки жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, ёшлар ўртасида кураш, турникда тортилиш, сувда сузиш, арқон тортиш, қисқа ва узоқ масофаларга югуриш сингари спортнинг ўндан ортиқ турлари бўйича мунтазам равишда мусобақалар ўтказиб келинмоқда.



— Мана шу ишларимизнинг самараси туфайли туманлараро, шаҳар ва республика бўйича ўтказиладиган ҳарбий спорт мусобақаларида етакчи ўринларни қўлдан бермай келаяпмиз, — дейди Ҳамза тумани МКТ "Ватанпарвар" кенгаши раиси Ғайрат Рашидов. — Чунки ташкилотимизда спортнинг бир неча турлари бўйича катта тажриба тўплаган мураббийлар ва спорт усталари фаолият кўрсатишади. Хусусан, спорт устаси Виктор Сабиров айни чоғда мамлакатимизнинг автомобиль спорти бўйича энг кўзга кўринган етакчилардан ҳисобланади. У нафақат спорт устаси, балки яхши мураббий, устоз ҳамдир. У Давид Акопян, Евгений Демизук, Александр Литвиненко, Александр Лаврин сингари кўплаб ёшларни картинг бўйича спорт устаси даражасига олиб чиқди.

— Астойдил ҳаракат қилинса, жамоатчилик вакиллари, маҳалла қўмиталари билан бирга ишланса ҳар қандай болани тўғри йўлга солиш имконияти пайдо бўларкан, — дейди В. Сабиров.

— Ростини айтиш керак, туманимизда тарбияси оғир ёшлар талайгина, — деб суҳбатимизни давом эттиради Ғайрат Рашидов. — Уларни маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда ташкилотимизда фаолият кўрсатаётган спорт тўгаракларига жалб қила бошладик. Натижа ёмон бўлмаяпти. Ёшлар тарбияси ҳукуматимиз олдидаги долзарб вазифалардан бирига айланаётган шароитда бу улкан юмушга айрим мутасадди ташкилотларнинг панжа ортидан қараб, ўзларини четга олиб туришлари кечириб бўлмас ҳолдир.

Дарҳақиқат, шундай. Биз қийинчиликларга қарамасдан Ҳамза туман мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти жамоасининг барча юмушларга катта эътибор бериб келаётганини эътироф этган бўлардик. Жумладан, ўтган йили Наврўз байрами, Хотира ва қадрлаш куни, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги, Республикамизнинг Конституция куни муносабати билан ёшлар ўртасида спортнинг бир қатор турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Ғолибларга совғалар улашилди, таниқли санъаткорлар иштирокида катта байрам дастурхони ёзилди. Буларнинг барчаси ёшларнинг ҳаёти ва онгига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Яқинда бу ерда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан яна бир спорт тадбири ўтказилди. Унда 23 та маҳалла, 153-сонли ўрта мактаб ўқувчилари, ҳарбий қисмлардан 25 нафар аскар иштирок этди. Қизиқарли спорт ўйинларига бой бўлган ушбу спорт мусобақасига кўплаб ихлосмандлар ҳам ташриф буюришди.

Ҳамза тумани МКТ "Ватанпарвар" кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу мусобақанинг ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтганлигидан қувониб қайтарканмиз, дилимизда қани, эди республикамизнинг барча "Ватанпарвар" ташкилотлари мана шу сингари ўз ишларига фидойи бўлса, деган ният ўтди.

**Усмон УСМОНОВ.**
**СУРАТЛАРДА: Ҳамза тумани "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан ўтказилган спорт мусобақаларидан айрим лавҳалар.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*Яқинда бозордаги йигитлардан бири билан йўлимиз битта чиқиб қолди. У пойтахтнинг "Олой" бозорида савдо-сотиқ қилар, суяги бозорда қотганлардан эди. Олдинига унинг далли-дулли ҳаракатларига эътибор бермадим. Кейин гапларини эшитсам, мантиқ бордай.*

*Биринчи берган саволим «Сиз газета ҳам ўқийсизми?», деганим бўлди. Қолган савол-жавобларни ўзи олиб кетди.*

*Ҳангомаларини эшитиб, ғалати аҳволга тушдим. Гўё йигит яшаётган дунёнинг ҳар ким киролмайдиган эшигидан кирганману, кўринмас одамга айланиб, у ердагиларнинг қинғир ишларидан ҳайратга тушгандай эдим.*



# Диёнатдан айирмасин

— Тонгсаҳар сиз энг ширин уйқуга кетганингизда,— дея гап бошлади Бозорвой, — бозорда олибсотарларнинг шу кунги даромадлари ҳал бўладиган лаҳзалар бошланади. Аксарияти аёллар эмасми, келиб тушган молларни иложи борича арзон ва кўпроқ харид қилишга тиришиб, қий-чув, бақириқ-чақириқлар билан ўзларини ҳар томонга урадилар. Баъзан оғзи бўшроқ деҳқоннинг ўзиниям ҳосилига қўшиб, судрашади, денг... Ана, бўлади томоша! Буёғини сўрасангиз, бечора деҳқон 90 фоиз олибсотарлар измида бўлади. Сотишдаям чайқовчилар духоба кўрпачалар солинган курсиларда расталарни тўлдириб, савлат тўкиб ўтиришади...

— Ола-а, гапниям олиб қочдинг,— деди зиёлинамо бир йўловчи шеригимиз.

— Ишонмайсизми? Ўзингиз биласиз. Тунов куни соқоли кўксига тушган нуроний отахон бир қоп ёнғоғини уч соат тик туриб пуллади. Ахийри, "Инсоф борми, битта стул қўйиб беринглар", деб расталардаги стуллардан бирини олиб бердим.

— Картошка-пиёз, кўкату гуруч, ловияю мош, хуллас, ҳаммасини бекаму кўсти билан пуллайдилар. Масалан, картошка-пиёз олиб сотаётганлар ҳам устига қўяди, ҳам тарозидан уриб қоладилар. Бир килодан 200-250 грамм урмаса, ўша куни картошка сотишни бас қилади. Ҳам хўрдани, ҳам бурдани дегандай...

— Тунов куни тўрт кило картошка олдим,— дея тасдиқлади шифокор Юлдуз Саидова.— Чамаласам, тўрт килога ўхшамади. Назорат учун қўйилган тарози 3 килою 480 граммлигини кўрсатди. Айтсам, сотувчи ишонмайди денг...

— Ёки... айтайлик мана, сиз гуруч олмоқчисиз-а? — суҳбатни яна илиб кетди чайир йигит. —Растанинг харидор томонига гуручнинг энг тозаси тўкиб қўйилади. Сиз маҳлиё бўлиб оласиз. Аммо сотувчи ўзи томонидаги гуручдан тортади. Ўзи олдидаги гуручга ҳар замонда оқшоқ аралаштириб туришидан бехабарсиз.

— Оқшоқ ҳам майли... Яқинда гуруч олсам,— деди Бахтиёр Хўжахонов деган олим, — аллақандай майда оқ доначалар аралашганини сезиб қолдим. Нима экан деб эринмасдан уни уйдагиларга элаттирдим. Ишонасизми, беш кило гуручдан бир пиёла туз чиқди.

— Ҳа, яшанг! Гуручни қопларга жойлашдан илгари ўн тоннасига икки тонна туз аралаштирилиб, "ишлов" берилади,— худди ўзи шу ишнинг тепасида тургандай давом эттирди Бозорвой,— Айниқса, гуруч қиммат бўлган йиллари "ишлов" бериш кучаяди. Баъзан чайқовчилар ҳам бир-бирини қойиллатиб "туширади" денг. Бир куни ёнма-ён ишлайдиган шеригим ўн қути баргак олди. Биринчи қутини обдон текширди, тоза моллигига ишонди-да, қолганларини кўрмасдан олиб қўя қолди. Кейин тўкиб қараса, ҳар қути остига уч килодан шафтолиқоқи усталик билан терилган экан. Ўзиям қуриган шафтолидай шалвираб қолди шўрлик. Сабзи, бодринг, ёнғоқ каби маҳсулотларни кўтарасига пуллашда устаси фаранглар шунақа моҳирлик кўрсатишадики, асти қўяверинг. Қоп атрофига энг кўрками ва харидоргирларини кўз-кўз қилиш учун териб қўйишади. Ғадир-будур, қинғир-қийшиқ, кўримсизларини қоп ўртасига шундай жойлаштиришадики, ҳар қандай "абжир"и тан беради.

Яқинда Бозорвойнинг ҳикояларида муболағадан кўра ҳақиқат кўпроқ эканлигига шахсан ўзим иқрор бўлдим. Янги йил кутиладиган куни кечга яқин бозорга тушиб, кўкат, зиравор олдим. Уйга келиб, кўкатлар бандини очсам, чиройли қилиб боғланган банд ўртасидан йирик-йирик пиёз барглари чиқди. Кўринишидан қарийб 20 дона пиёз бандидан 9-10 дона пиёз кўкати топилди, холос. Зира солиб пиширилган ошда ачимтир маза сезилди. Зирани обдон текширсак, деярли ярми сабзи уруғи экан. Кўкату зираворлар савдосидаки шундай қаллобликлар бор экан...

Энди буёғига Бозорвой гурунгини тез-тез эслаб турмасам бўлмайди. Нимаики харид қилмайин, сотувчи ҳийла-найрангларига чап беришга ҳаракат қиладиган бўлдим. Ҳар гал бозордаги кўзбойлоғичлар кўригидан озор топмасдан ўтиш сизга ҳам насиб этсин. Бозорлардаги санитария-эпидемиология станциялари пунктларининг вакиллари сотилаётган маҳсулотларни расталарда қайта-қайта назоратдан ўтказишни йўлга қўйишлари зарурга ўхшайди. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш уюшмаларининг аъзолари бозорларда тез-тез рейдлар уюштирсалар, бу каби қаллобликлар бартараф этилган бўларди.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**







**Ташкилот ва корхоналар диққатига!**

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ**

**қўйидаги иншоотга танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади:**

**1. Наманган вилояти, Наманган тумани, Тепақўрғон қишлоғида хизмат кўрсатиш йўналишидаги 750 ўринли касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда (под ключ) қуриш.**

*Лойиҳани тайёр ҳолда (под ключ) қуриш бошланғич нархи — 2 670 573 000 сўм.*

*Қурилишни якунлаш муддати — 2004 йил 25 декабрь.*

**2. Наманган вилояти, Наманган шаҳар шимолий айланма йўли бўйлаб жойлашган қурилиши тугалланмаган тиббиёт санатория биносини Меҳрибонлик уйига мослаштириш объектини тайёр ҳолда (под ключ) қуриш.**

*Лойиҳани тайёр ҳолда (под ключ) қуриш бошланғич нархи — 1 078 422 800 сўм.*

*Қурилишни якунлаш муддати — 2005 йил 1 сентябрь.*

**3. Наманган вилоятининг Косонсой шаҳридаги педагогика билим юртини 1050/300 ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш объектини тайёр ҳолда (под ключ) қуриш.**

*Лойиҳани тайёр ҳолда (под ключ) қуриш бошланғич нархи — 1 072 839 000 сўм.*

*Қурилишни якунлаш муддати — 2004 йил 1 октябрь.*

***Буюртмачи — Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси.***
***Телефонлар: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.***

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг 20 фоизи миқдорида бўш айланма маблағига, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилояти филиалига қуйидаги манзилга: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уйга (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин.**
**Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.**

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 59-уй.**

8484П/52



# Мотопойгачилар беллашуви

Президентимиз Ислом Каримов Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишида оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишда спорт журналистлари етарлича фаоллик ва фидойилик кўрсатмаётганлигига эътиборини қаратганди. Дарҳақиқат мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мусобақаларни ёритишда спорт журналистларида билим, малака ва ҳаётий тажриба етишмаяпти. Хўш, бу муаммони бартараф этиш учун, энг аввало, нима қилиш керак?

Айтиш мумкинки, спортнинг ҳар бир тури ўз атамаларига эга. Айнан журналистларнинг атамалар ҳақида етарлича маълумотга эга эмасликлари ўша спорт турини тўлиқ ёритолмасликларига сабаб бўлмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон футбол федерацияси бу борада дастлабки қадамни ташлаган эди. Энди бундай семинарни Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти уюштирди. Республика техник ва амалий спорт турлари марказида бўлиб ўтган семинар-тренингда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан ушбу соҳа мутахассисларига мурожаат қилишди. Тренинг давомида журналистларга спортнинг техник ва амалий турлари ҳақида етарлича маълумотлар берилди.

— Техник ва амалий спорт турларининг 30 га яқин тури бор, — дейди Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши раиси Абдулазиз Абдуқаҳҳоров. — Ушбу спорт турлари ёшларни техник ижодиётга чорлаш билан бирга, уларни баркамол вояга етишларида ҳамда Ватан ҳимоясига тайёрлашда муҳим ўрин тутади.

Айни пайтда республикамизда спортнинг техник ва амалий турлари билан мунтазам шуғулланувчилар сони 145 минг нафардан кўп. Шуларнинг 118 минги 17 ёшгача бўлган болалардир.

Семинар-тренинг давомида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги" доирасида супермотокросс мусобақалари бўлиб ўтди. "Супермотокросс" мото пойгаларнинг энг мураккаб турларидан биридир. Спортчилар баҳслар мобайнида мотоциклни тез бошқариш билан бирга қиялиги 75 даражагача бўлган тепаликлардан ҳам моҳирона ўтишлари керак бўлади. Аввалига "ЧЗ" русумидаги мотоцикллар старт чизиғига келишди. Спорт усталаридан олмалиқлик Игорь Сичев ҳамда навоийлик Радион Спесивцев рақибларини сезиларли даражада ортда қолдиришди. Бошиданоқ карвонбошиликни қўлга олган олмалиқлик мотопойгачи сўнгги 9-айланишда Радион Спесивцевни ўтказиб юбориб, чемпионликни бой берди.

Двигител сиғими 500 кубли бўлган мотоцикллар баҳсида навоийлик Евгений Заднов ғолиб чиқди. Ундан кейинги ўринлар Андрей Сазонов ҳамда Алексей Задновларга насиб этди.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзР ФА академиги, ветеринария фанлари доктори, профессор **Эркин ЭРГАШЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи жамоаси музейнинг етакчи илмий ходими, академик Азизхон Қаюмовга укаси **Лазизхон ҚАЮМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ижод дунёси» нашриёт уйи раҳбарияти ҳамда жамоаси директор ўринбосари Садирхон Содиқовга акаси **Шавкатхон СОДИҚОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси жамоаси уюшма бошқаруви раиси Эркул Зикриёевга умр йўлдоши **Меҳмон ая ОМОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» ва «Экономический вестник Узбекистана» журналлари муҳарририяти жамоаси журналнинг махсус мухбири Алишер Қаюмовга отаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли адабиётшунос олим профессор **Лазизхон ҚАЮМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси университет қошидаги Қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларини тайёрлаш ва кадрлар малакасини ошириш маркази директори, агробизнес ва менежмент кафедраси мудири, академик Саидасрор Ғуломовга волидаи муҳтарамаси **Фотима ая ШОУМАРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси «тиллар» кафедраси ўқитувчиси Гулнора Машариповага волидаи муҳтарамаси **МОМОЖОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 274. 31749 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[T]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 1.30 1 3456